

Абдуллаев А.Г.

**Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор
таъминлашнинг айрим масалалари**

Ҳозирги кунга келиб жаҳон мамлакатларининг кўпчилигида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол этиш борасида муаммолар мавжуд. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда «дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз кишининг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаяпти, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда»¹.

Аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланиши, мамлакатнинг табиий ресурслари, иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан бевосита боғланган. Аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланиши иқтисодий фаровонлиги, яъни даромади, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ва сифати билан боғлиқ бўлиб, у минтақавий ва социал гуруҳлари бўйича маълум даражада тафовут қилади. Шу жойда қайд қилиш лозимки, минтақавий фарқлар ҳамда озиқ-овқат рациондаги асосий маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятлари доимо турли механизмлар орқали давлат томонидан тартибга солиниб турилади. Хусусан, қишлоқ хўжалигини субсидиялаш, маҳсулдорлигини ошириш ва бошқалар бунга мисол бўла олади [2].

Озиқ-овқат билан таъминланганлик муаммоси ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро миқёсда БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) томонидан илгари суриб келинмоқда. ФАО маълумотлари бўйича, ҳозирги кунда сайёрамизда яшаётган 7,2 млрд. аҳолидан 98 мамлакатда истиқомат қилаётган 1,2 млрд. киши (16 %) очлик

¹ <http://www.turkistonpress.uz/article/10942>

ва озиқ-овқат танқислигидан изтироб чекмоқда. Миллатлар Лигасининг маълумотларига кўра ўтган асрнинг XX асрнинг 20-йилларида оч ва тўйиб овқат емаётган жаҳон аҳолисининг 2/3 қисмини, 90-йилларда (БМТ) 1/4 қисмини ташкил этган. Кўриниб турибдики ушбу миқдор камайиб келмоқда, аммо ушбу ҳолат жаҳон ҳамжамиятини хотиржам қилмаслиги лозим. Чунки ҳар йили тўйиб овқат емаслик ва очарчиликдан 12-13 млн киши вафот этмоқда [4; 16 – 17 бб].

Озиқ-овқат хавфсизлиги давлат хавфсизлигидир. Шу боис исталган шароит ва ҳолатда ўз аҳолисини тўлақонли ижтимоий ва иқтисодий ҳамда соғлом фаолиятни таъминлайдиган озукага эга бўлиш шароитини яратиши лозим. Ушбу ҳолат ва инсоннинг озиқ-овқат билан таъминланиши қоидалари ва ҳуқуқий тарафлари 1996 йил 13 ноябрда Рим шаҳрида қабул қилинган “Бутун жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги декларацияси”да белгиланган [3].

1-жадвал

Ижтимоий қатламлар бўйича аҳоли гуруҳларини ёш ва жинсий таркибига қараб кунлик овқатланиш меъёрлари (ккал)

№	Категориялар	Гуруҳ хусусияти	Ходимлар ва ишчилар	ёш категориялар	эркаклар	аёллар
					ккал	
1.	Биринчи гуруҳ	ақлий меҳнат қиладиган ходимлар	маъмурий тизим, тиббиёт ва маориф ходимлари, автоматлаштирилган тизимлар диспетчерлари, операторлари, офис ходимлари ва бошқалар	18-39	2800	2400
				40-60	2600	2200
2.	Иккинчи гуруҳ	унчалик кўп жисмоний меҳнат қилмайдиган корхона ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари	алоқачилар, радиоэлектрон саноат ишчилари, санитария хизматчиси, ҳамшира, кондуктор ва сотувчи ва бошқалар	18-39	3000	2550
				40-60	2800	2350
3.	Учинчи гуруҳ	кўп миқдорда жисмоний меҳнат қиладиган маълум маънода механизациялашган соҳа ходимлари	тўқувчи, тикувчи, ҳайдовчи, почталъон, агроном, ошхона ва кир ювиш корхоналарида ишловчилар ва бошқалар	18-39	3200	2700
				40-60	2900	2500
4.	Тўртинчи гуруҳ	иш шароити ўрта ва оғир соҳа ишчилар	шахтёрлар, юк машина ҳайдовчилари, кон ишчилари, механизаторлар, металлурглар, ўрмон кесувчилар ва бошқалар	18-39	3700	3150
				40-60	3400	2900

Манба: <http://www.fao.org/docrep/015/i2490e/i2490e01c.pdf>

Мутахассислар томонидан овқатланиш рациона ишлаб чиқилган бўлсада, кўпчилик мамлакатларда иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан келиб

чиқиб овқатланиш меъёрлари жорий этилган. Суткалик овқатланиш рационал калориялилиги даражасини ошириш, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ. Озиқ-овқат билан бирламчи таъминланганлик энг аввало қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан тадрижий боради. Қишлоқ хўжалигининг техник, технологик таъминланиши, ихтисослашуви ва бошқа кўрсаткичлари тармоқнинг минтақавий ривожланишининг фарқланишига олиб келган. Аҳоли юқорида таъкидланганидек, тараққиёт даври мобайнида маълум ижтимоий қатламларга ажралади. Уларни бир-биридан физик ва ақлий меҳнат қилиши билан фарқ қиладиган 4 гуруҳга ажратиш мумкин. Табиий равишда ушбу гуруҳ вакиллари меҳнат шароити ва жинсига қараб турлича кунлик овқатланиш меъёрлари ишлаб чиқилган (1-жадвал).

Аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланишини яхшилашда иқтисодий ҳимоя механизмларнинг қўлланилишига қишлоқ хўжалигини субсидиялаш, озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларининг арзонлаштирилиши, бозорни ҳимоялаш орқали фермерларга шароит яратиб бериш кабилар киради. Масалан, собиқ Иттифок даврида ун ва гўштнинг арзонлаштирилиши оқибатда истеъмолда гўшт ва нон маҳсулотларининг кескин ошишига олиб келган. Бу даврда Собиқ Иттифокда нон истеъмоли аҳоли жон бошига 150-160 кг дан тўғри келиб, у жаҳон ўртача кўрсаткичидан бир неча баробар ортиқ бўлган [3]. Ҳозирги кунда ҳам республикаимиз аҳолисини асосий озуқа маҳсулотлари ун, ёғ ва шакар билан махсус арзонлаштирилган нархда маълум меъёрларда таъминланаётганлиги бунга мисол бўла олади.

Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини аниқлаш энг аввало озиқ-овқат рационал ва йиллик аҳоли жон бошига тўғри келадиган калориялар ҳамда халқаро ва минтақавий меъёрлар бўйича жон бошига тўғри келадиган ўртача индекслари орқали аниқлаш мумкин (2-жадвал).

Республикаимизда аҳолини сифатли ва етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш орқали мамлакатимизнинг озиқ-

овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Жумладан, агар 1990 йилда барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича аҳоли жон бошига ҳисоблаганда меъёрга нисбатан озиқ-овқат истеъмол қилинган бўлса, 2015 йилга келиб меъёрга нисбатан озиқ-овқат ҳажми гўштда 105,40, сут маҳсулотларида 194,90, картошкада 104,4 фоизни, сабзавотда ва полизда 221,3 фоизни ташкил этди [1; 134-135 бб].

2 – жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўрсаткичлари

Озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари	Минимал истеъмол меъёри, кг/киши	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2015 йил	2015 йил	
						меъёрга нисб., %да	1990 й.га нисб., %да
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	40,2	31	34	38	42,5	105,7	137,1
Сут маҳсулотлари	136,7	183	162	239	266,4	194,9	145,6
Тухум, (дона/киши)	292	97	47	138	230,4	78,9	237,5
Сабзавот ва полиз	128,8	107	128	238	285	221,3	266,3
Картошка	54,6	29	36	45	57	104,4	196,6
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	7,3	12	12	13	22	301,4	183,3
Шакар	19,4	12	16	17	28	144,3	233,3
Мева ва узум	90,6	23	42	83	145	160,0	6,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари (Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2011 йил, 87-бет. ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.) [1; 135 б].

Республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббий меъёрга мос равишда таъминланиш даражаси айрим маҳсулот турлари бўйича ошириш муҳим ўринда туради. Айниқса, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш лозим. Мамлакатда дон етиштиришни 10-12 млн. тоннага етказиш, гўшт, сут етиштиришни энг камида икки марта, тухум етиштиришни 3 мартага кўпайтириш талаб қилинади. Албатта физиологик меъёр (энергия олиш) нуқтаи-назаридан озиқ-овқат муаммоси мамлакатда ҳал этилган. Аммо озиқ-овқат муаммоси ижтимоий-иқтисодий

томондан баҳоланганда катта муаммо ҳисобланади. Гап шундаки, физиологик меъёр бўйича олинаётган энергия қайси маҳсулотларни истеъмол қилиш эвазига ҳосил бўлмоқда, деган савол туғилади. Ҳозирда кўпчилик мамлакатларда аҳоли истеъмолидаги озиқ-овқатдан олаётган энергиянинг асосий қисми нон маҳсулотлари, картошка, углеводлар ва меваларни истеъмол қилишдан олинмоқда.

Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда маълум сифат ва миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий услубий рисола – Т.: Маънавият, 2017. – 244 б.

2. Абдуллаев А.Г. Хоразм вилояти аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини баҳолаш. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. – Тошкент. 2012. – 43-жилд. – Б. 118-121.

3. Мусаев Д., Яхшиликков Ё., Юсупов Қ. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги. Тошкент: 2010. – Б. 31-32.

4. Туробжонов С.М. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари муаммолари – Тошкент: «Fan va texnologiya», 2014. – 460 б.